

# THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

## VOLUME-4, ISSUE-12

Ўзбекистонда Зиёрат туризмини ривожлантириши асослари  
*Fundamentals of developing pilgrimage tourism in Uzbekistan*  
*Основы развития паломнической системы в Узбекистане*

Жураев Хусан Атамуратович

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети

Молия ва туризм кафедраси мудири и.ф.ф.д Phd

Авазова Элсевар Эркиновна

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети 2- босқич

Магистранти

### АННОНТАСИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш асослари таҳлил қилинади. Ўзбекистоннинг бой диний, тарихий ва маданий мерэоси, мамлакатни зиёрат туризми соҳасида жаҳон миқёсида танитиш имкониятларини яратади. Мақолада зиёрат туризмини ривожлантириш учун зарур бўлган инфратузилма, маркетинг стратегиялари, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, шунингдек, туристларга маҳсус хизматлар кўрсатиш масалалари кўриб чиқлади. Зиёрат жойларининг сақланиши, диний тадбирлар ташкил этилиши ва ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби аспектлар ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш нафақат иқтисодий ўсишни таъминлаш, балки мамлакатнинг ҳалқаро нуғузини оширишга ҳам хизмат қилади.

### Abstract

This article analyzes the foundations of the development of pilgrimage tourism in Uzbekistan. The rich religious, historical and cultural heritage of Uzbekistan creates opportunities for the country to be recognized worldwide in the field of pilgrimage tourism. The article considers the infrastructure, marketing strategies, public and private sector cooperation, as well as the provision of special services to tourists necessary for the development of pilgrimage tourism. Particular attention is paid to aspects such as the preservation of pilgrimage sites, the organization of religious events, and the development of international cooperation. The development of pilgrimage tourism in Uzbekistan serves not only to ensure economic growth, but also to increase the country's international prestige.

### Аннотация

В данной статье анализируются основы развития паломнического туризма в Узбекистане. Богатое религиозное, историческое и культурное наследие Узбекистана создает возможности для знакомства страны с миром в сфере паломнического туризма. В статье рассматриваются инфраструктура, маркетинговые стратегии, сотрудничество государственного и частного сектора, а также предоставление туристам специальных услуг, необходимых для развития паломнического туризма. Особое внимание также уделяется таким аспектам, как сохранение мест паломничества, организация религиозных мероприятий и развитие международного сотрудничества. Развитие паломнического туризма в Узбекистане служит не только обеспечению экономического роста, но и повышению международного престижа страны.

# THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

## VOLUME-4, ISSUE-12

**Калит сўзлар:** Зиёрат туризми, ўзбекистон туризми, диний обидалар, туризм инфратузилмаси, маркетинг, диний тадбирлар, зиёрат жойлари, халқаро ҳамкорлик, диний саёҳатлар, турист хизматлари

**Keywords:** Pilgrimage tourism, Uzbek tourism, religious monuments, tourism infrastructure, marketing, religious events, pilgrimage sites, international cooperation, religious tours, tourist services

**Ключевые слова:** Паломнический туризм, туризм Узбекистана, религиозные памятники, туристическая инфраструктура, маркетинг, религиозные мероприятия, места паломничества, международное сотрудничество, религиозные туры, туристические услуги.

Ўзбекистон зиёрат туризми учун қулай манзил ҳисобланади. Ислом оламида машхур кўплаб уламолар юртимизда яшаб ижод қилган. Шу билан бирга, мамлакатимизда бошқа динларга эътиқод қилувчилар учун ҳам азиз бўлган тарихий қадамжолар бор. Ислом дунёсининг энг қимматбаҳо Қуръони карим намуналаридан бири – Халифа Усмон Қуръон китоби сақланувчи Ҳазрати Ином мажмуаси, буюк ислом имоми Мухаммад Ал-Бухорий мақбараси, Нақшбандия тариқати издошлари мақбаралари ва шу каби кўплаб бошқа диниймарказлар мавжуд. Бундай тарихий ва муқаддас қадамжоларга зиёрат ва саёҳат қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар Ўзбекистонга ташриф буюради. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машхур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта. Соҳани янада ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт”.

Ўзбекистонда 7300 дан ортиқ маданий ёдгорликларнинг мавжудлиги ва уларнинг аксари ЮНЕСКО томонидан эътироф этилиши ҳам мамлакатимизнинг ушбу соҳани ривожлантириш борасида етарлича салоҳиятга эга эканини кўрсатиб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, зиёрат амали инсон учун жисмонан хордиқ вазифасини бажариши билан бирга, маънавий ва руҳий озуқа манбаи ҳамда шахснинг маданий юксалиши омилларидан бири ҳисобланади. Зиёрат давомида инсонда бешта ҳақиқий кечинмалар мужассам бўлади ва уларни маънавий, маданий, экологик, дунёвий ҳамда маърифий деб атасимиз мумкин. Инсонлар учун баҳт улар томонидан амалга ошириладиган ижобий ҳатти-ҳаракат ва ҳис-туйғулар омили бўлиши мумкин.

Ана шундай ҳис-туйғулар билан таъминлашга хизмат қиласидиган тармоқлардан бири – зиёрат ҳисобланади. Сабаби шундаки, зиёрат туризми инсон хотирасида ижобий ва ҳаяжонли ҳис-туйғуларни уйғотиб, ҳаётга бўлган муҳаббатни оширишига хизмат қиласиди. Ўз навбатида, инсон саёҳат давомида ўз-ўзини ўрганиши, ўзини қайтадан ислоҳ қилиши ва шахсий ўзгаришларга олиб келиши мумкин бўлган жараёнларни кўздан кечиради.

Бугунги кунда зиёрат туризми, диний туризм, исломий туризм ва ҳалол туризм каби атамалар илмий адабиётларда ҳамда кундалик ҳаётда кенг қўлланилиб келинмоқда. Зиёрат туризми, диний туризм кенг қамровли тушунчалар бўлиб, турли хил дин вакилларининг диний мақсадлардаги саёҳатини англатса, ислом туризми айнан мусулмонларнинг саёҳатини қамраб оловчи тушунча ҳисобланади. Жумладан, илк бор исломий туризм атамаси 2000-йилда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг йиғилишида муҳокама қилинган.

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-12

Ушбу йиғилиш иштирокчилари исломий мамлакатлар бўйлаб даромад олиш ва мамлакатларни ривожлантириш мақсадида саёҳат қилиш фоясини таклиф қилганлар.

Тадқикотлар шуни кўрсатадики, инсоннинг муқаддас қадамжоларда ўзини ҳис қилиши, саёҳат давомида юзага келадиганкечинмалари бу – айнан зиёратчиларнинг муқаддас жойларга саёҳат қилишларининг бош мақсадларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, бу ўринда диннинг ҳам хаётдан қоникиш ва баҳт хиссини келтириб чиқариш имкониятини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Зиёратчилар ташриф буюрадиган масканлар, жумладан, пайғамбарлар, авлиёлар, уламо зотларнинг қабрларини зиёрат қилиш, диний аҳкомлар жорий қилинган ва дин йўлида қурилган тарихий обидалар, мадрасалар, масжидлар зиёратчиларруҳиятида баҳтиёрлик, дунё ташвишларидан фориғ бўлишдек мұхитни яратиб беради. Зиёрат давомида инсонда шаклланадиган айrim ижобий хусусиятлар хақида тўхталиб, куйидагиларни келитишмумкин:

**Маънавий озуқага эга бўлиш.** Зиёратга борадиган инсонда ҳали ушбу зиёратга чиқмасидан унда ўзини руҳан шу зиёратга боғлаш, қалб таскини ҳамда зиёрат асносида содир бўлиши мумкин бўлган ҳис туйғулар шаклланади. Тоза-озода кийиниш, ўзига оро беришдек инсоний фазилатларини намоён қиласди. Имкон қадар борадиган зиёратгоҳ тарихи ва у ерда бирор ножӯя ишларни қилмаслик учун ўзини тайёрлайди. Зиёрат инсондан ҳаётий зерикишлар, турли чарчоқлар ва асабий зўриқиши каби дардлардан енгил тортиш фурсатини баҳш этади.

**Ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши.** Одатда зиёратгоҳларда маҳаллий ҳиёратчилар билан бирга, хорижлик зиёратчилар ҳам бир вақтда бўлиши кутилган ҳолат ҳисобланади. Бошқа миллат ва элат олдида ўзини бошқариш, мулоқот ва шахсий одоб-ахлоқға эътиборни кучайтириш жойи келса йўл кўрсатиш, саволларга жавоб бериш каби ишларни амалга оширишга имкон яратади. Зиёрат давомида киши олган диний ва дунёвий билимларини тажрибада қўллаш, турли ҳалқ вакиллари билан муносабатга киришиш ва ҳамкорлик қилишдек имкониятлар учун замин ҳозирлайди.

**Ўзини ўзи бошқариш.** Зиёрат туризми давомида инсон маънавиятига ижобий таъсир қиласидан одатлар мавжуд. Жумладан, зёратгоҳлар ва маданий ёдгорлик атрофлари доимо тоза ва озода сақланлиги сабаб инсон покликка ва тозаликка эътиборли бўла бошлайди ҳамда атроф-муҳит билан ҳам шу тартибда муносабатда бўлишни ўзига одат қилиб олади. Ушбу масканларга ташриф буюрувчи сайёҳларга ҳам худди шу тартибга амал қилишлари, маданий ёдгорликлар, зиёратгоҳ обидалар ҳамда муқаддас қадамжолар атрофларини тозаликда сақлаш, шахсий гигиена ва озодаликка эътибор қаратиш каби амалларга риоя қилишларини талаб қиласди. Бу каби озодаликка чакиравчи амаллар зиёратчи учун келгуси ҳаётида ҳам нафи тегиши табиий ҳол. Бу эса зиёрат амалийнсон шахсини маънавий ўсиши ва ўз-ўзини бошқаришига сабаб бўлишини кўрсатади.

**Мехрибонлик, кенгфөъликтининг шаклланиши.** Бу зиёратчи сайёҳларнинг деярли барчасида учраши энг кўп кузатиладиган ижобий ҳолатлардан ҳисобланади. Зиёратга борган инсон қайси миллат ёки давлатдан бўлишидан қатъий назар бир бирларини яхши тушиниб, ўзаро алоқа қилиши ва ҳар қанақа усул билан, жумладан, моддий ёки маънавий ёрдам бериш билан ўзаро меҳрибонлик туйғусини шакллантиришади. Албатта, зиёрат давомида инсонда шаклланадиган бу каби ҳислатларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

# THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

## VOLUME-4, ISSUE-12

Асосийси шундаки, зиёратдан қайтган сайёх учун ушбу ҳислатлар одат бўлиб, кейинги ҳаёти давомида ҳам давом этиши мумкин<sup>1</sup>.

Ўзбекистон зиёрат туризм салоҳиятига эга давлат бўлишига қарамасдан зиёрат туризми тармоғидаги ривожланиш у қадар кенг илдиз отмаётир. Бизда зиёрат туризми асосан Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро ва Хива шаҳарларида ривожланмоқда. Ҳар йили минглаб ватандошларимиз ҳаж ва умра зиёратини адо этиб келишяпти. Лекин, айнан зиёрат мақсади билан юртимизга хориждан келадиган сайёҳларнинг сони жуда кам. Агар кириш зиёрат туризмига янада кўпроқ эътибор берилса, у туристик хизматларнинг салмоқли экспорт йўналишига айланиб валюта тушумини кўпайтириш, янги иш ўринларни яратишҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қиласи. Ўзбекистонда зиёрат туризмини қуидаги инновацион йўлларда жадал ривожлантириш мумкин:

1. Зиёрат туризмининг таклифлар тизимини яратиш билан боғлиқ чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
2. Хорижий давлатлардан келаётган зиёратчилар орасида турли сўровномалар ўтказиш орқали зиёрат туризми хизматларига бўлган талабни шакллантириш;
3. Зиёрат туризми маршрутларини ишлаб чиқиш ва бу борадаги инфратузилмани ривожлантириш;
4. Зиёратчиларга зиёратгоҳларга яқин худудда меҳмонхона, ҳалол ресторанлар, автотуарроҳ, автосервис, ёнилғи қуиши шаҳобчаси, банкомат, дорихона ва мини маркетлар фаолиятини самарали ташкил этиш;
5. Меҳмонхоналарда аёл-қизлар учун алоҳида хоналар ва сузиш ҳавзалари, гардероблар ва болалар учун ўйин майдончалари ташкил этиш;
6. Мусулмон мамлакатлардан келаётган зиёратчилар орасида исломий билимлар соҳасига қараб ҳадисшунослар учун Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида Имом Бухорий, Имом Доримий ва Имом Термизий туризми, калом илмига қизиқувчилар учун Самарқанд ва Қарши шаҳрида Мотуридий ва Насафий туризми ҳамда тасаввуф илми қизиқувчилари учун Бухоро вилоятига Етти пир туристик маршрутларини ташкил этиш;
7. Ўзбекистон зиёрат туризми имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берувчи сайт, илмий журнал, буклет, слайд ва тарқатма материаллар базасини яратиш ва кенг тарғиб қилиш;

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиў лозимки, соҳага оид илмларни ҳамда шарқ ва гарб тилларини билган гид-таржимон кадрларни тайёрлаш ва малаканини ошириш бўйича доимий ишларни йўлга қўйилса юртимизда зиёрат туризми ривожланиб хорижий сайёҳлар оқими ортишига эришилади. Сўнгги пайтларда туризм хусусан, зиёрат туризми тушунчаси ҳалқимиз онгидан кенг ўрин олмоқда. Олимларимиз томонидан туризмнинг ушбу турига турли таърифлар берилиб унинг маъно-мазмунни очиб берилди. Бир сўз билан айтганда “Зиёрат туризми” – турли дин вакилларининг ўzlари муқаддас деб билган шахс ё манзилни ўз диний эътиқоди ва шариъатига асосланган ҳолда зиёрат қилиши маъно-мазмунини англатади. Шу сабабдан туризм ва унинг муҳим йўналишларидан бири бўлган зиёрат туризмини ривожлантириш ва уни жаҳон миқёсига олиб чиқиш мақсадида Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари эълон қилинмоқда. Шу асосда зиёрат туризмини ривожлантириш, хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида турли ҳалқаро

<sup>1</sup>Ж.Абдуқодиров. “Зиёрат туризми – Руҳий қувват ва маънавий озука”. Тошкент. 2022. Б.16.

# THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

## VOLUME-4, ISSUE-12

тадбирлар, илмий семинар ва конференциялар ташкил этилмоқда. Хорижий мамлакатларнинг туристик ташкилотлари билан кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Туризмнинг кенг тарқалаётган “зиёрат туризми” тури охирги йилларда кўпчилик инсонларда қизиқиши пайдо қилаётгани хеч кимга сир эмас албатта. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонга, хусусан, анддаги зиёрат туризми обьектларига зиёрат қилиш учун келаётган зиёратчилар сонининг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Туризмни ривожлантиришга оид қонун ва қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари. Бу ҳужжатлар мамлакатда туризм соҳасининг ривожланиши учун қабул қилинган стратегияларни ўз ичига олади.

2. "Ўзбекистон: туризм ва маданият" (2018), Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси.

Мазкур нашрда Ўзбекистондаги туризм тармоқлари, жумладан, зиёрат туризми ҳақида батафсил маълумотлар ва ривожланиш истиқболлари келтирилган.

3. Шарифов, М. (2020). "Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий асослари."

Бу асар Ўзбекистондаги туризм соҳасининг иқтисодий аспектларини, шу жумладан зиёрат туризмини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларини таҳлил қиласди.

4. Исломов, Н. (2019). "Ўзбекистоннинг диний туризми: истиқболлар ва муаммолар."

Диний туризмнинг Ўзбекистон учун аҳамияти, зиёрат туризми ривожланишининг имкониятлари ва муаммоларини ёритувчи илмий иш.

5. Жаҳонгир, А. (2021). "Туризм ва маданий мерэос."

Ўзбекистондаги тарихий ва диний ёдгорликларнинг аҳамияти, уларнинг зиёрат туризмига таъсири ҳақида ёзилган китоб.

6. "Зиёрат туризми: имкониятлар ва муаммолар" (2022). Ўзбекистон туризм ва маданий мерэосининг халқаро интегратсияцси.

Ўзбекистон зиёрат туризмини ривожлантиришда дуч келадиган қийинчиликлар ва имкониятлар ҳақида қаламга олинган илмий мақола.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризмни ривожлантириш бўйича қарорлари (2020-2023).

Мамлакатда зиёрат туризмига оид расмий қарорлар, стратегиялар ва амалий чоралар.

8. "Ўзбекистондаги туризм инфратузилмасининг ривожланиш истиқболлари" (2021), Жаҳон туризми институти.

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-12

Зиёрат туризмини ривожлантириш учун зарур бўлган инфратузилма ва транспорт соҳасидаги таклифлар.

9. Ақрамов, У. (2020). "Туризмни ривожлантиришда замонавий маркетинг ва реклама усуллари."

Ўзбекистонда туризм соҳасидаги маркетинг стратегиялари ва реклама усулларини ўрганишга бағишиланган илмий тадқиқот.

10. "Халқаро туризм ва Ўзбекистон" (2022), Ўзбекистон Миллий Университети.

11. Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозоридаги ўрни, зиёрат туризмининг аҳамияти ва унинг ривожланиш истиқболлари.